Жамият ва инновациялар –
Общество и инновации –
Society and innovations
Journal home page:
https://inscience.uz/index.php/socinov/index



Theories on Recognizing Artificial Intelligence as a Subject of Criminal Law

Tillabek KHUJANOV[1]

Institute of State and Law of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:
Received December 2025
Received in revised form
15 December 2025
Accepted 15 January 2026
Available online
05 February 2026

Keywords:
artificial intelligence,
electronic person,
robot,
intent,
negligence,
elements of a crime,
essential element,
criminal liability,
punishment.

ABSTRACT

This article analyzes the theoretical views of certain scholars on the criminalization of artificial intelligence tools and discusses this issue in connection with the general provisions of criminal law theory. The author also expresses the view that it is inexpedient to consider artificial intelligence as a subject of criminal liability within the framework of criminal law.

2181-1415/© 2026 in Science LLC.
DOI: https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol7-iss1-pp 526-532
This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru)

Сунъий интеллектни жиноий-ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида баҳоланишига оид назариялар

Калит сўзлар:
сунъий интеллект,
“электрон шахс”,
робот,
қасд,
эҳтиётсизлик,
жиноят таркиби,
зарурий белги,
жиноий жавобгарлик,
жазо.

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада, сунъий интеллект воситаларини жиноий жавобгарликка тортиш борасидаги айрим олимларнинг назарий қарашлари таҳлил қилинган бўлиб, бу борада жиноят ҳуқуқи назарияси умумий қоидалари билан боғлиқ ҳолда ёритиб берилган. Шунингдек, муаллиф сунъий интеллектни жиноий жавобгарликка тортишда субъект сифатида қаралиши мақсадга мувофиқ эмаслиги хусусидаги фикрлари жиноят қонунчилиги асосида баён этилган.

[1] Senior Researcher, Institute of State and Law of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
E-mail: tillabekkhujanov@gmail.com

Теории о признании искусственного интеллекта субъектом уголовно-правовых отношений

Ключевые слова:
искусственный интеллект,
«электронный человек»,
робот,
намерение,
безрассудство,
структура преступления,
необходимый знак,
уголовная
ответственность,
наказание.

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируются теоретические взгляды некоторых ученых на криминализацию инструментов искусственного интеллекта и рассматривается этот вопрос в контексте общих положений теории уголовного права. Автор также высказывает свое мнение о нецелесообразности рассмотрения искусственного интеллекта в качестве субъекта уголовной ответственности на основе уголовного права.

Сўнгги йилларда сунъий интеллект технологияларининг жадал ривожланиши жамиятнинг турли соҳаларида чуқур институционал ўзгаришларни келтириб чиқармоқда. Сунъий интеллект алгоритмлари катта маълумотлар базасини таҳлил қилиш, мустақил қарор қабул қилиш ва мураккаб жараёнларни автоматлаштириш имкониятига эга бўлгани сабабли, иқтисодиёт, транспорт, тиббиёт, молия ва давлат бошқаруви тизимларида кенг қўлланилмоқда. Бироқ мазкур технологиялардан фойдаланиш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар ҳуқуқ тизими олдига янги муаммоларни қўймоқда.

Чунки, жиноят ҳуқуқи назариясида анъанавий равишда жиноятнинг субъекти сифатида фақатгина инсон тан олинади. Бунда жиноий жавобгарлик шахснинг айбдорлиги, яъни унинг онгли равишда ҳаракат қилиш ва ўз ҳаракатларининг оқибатларини англаш қобилияти билан боғлиқ ҳисобланади. Бироқ сунъий интеллект тизимларининг муайян даражада мустақил, инсон омилисиз фаолият юритиши ушбу анъанавий ёндашувларни қайта кўриб чиқиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Шу нуқтаи назардан, халқаро ҳуқуқшунос олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда сунъий интеллект орқали содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни белгилашнинг бир нечта назарий моделлари ишлаб чиқилган. Жумладан, G. Hallevy, U. Pagallo ва A.N. Sergio каби олимлар мазкур масалага бағишланган тадқиқотларида сунъий интеллект билан боғлиқ жиноий жавобгарликни белгилашнинг айрим моделларини ажратиб кўрсатадилар. Булар:

1. Инсоннинг билвосита жавобгарлиги модели.

Сунъий интеллект орқали содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни белгилашнинг энг кенг тарқалган назарий ёндашувларидан бири инсоннинг билвосита жавобгарлиги модели ҳисобланади. Ушбу моделга кўра, сунъий интеллект мустақил ҳуқуқ субъекти сифатида эмас, балки инсон томонидан яратилган ва бошқариладиган техник восита сифатида қаралади.

Мазкур назарияга мувофиқ, сунъий интеллект орқали содир этилган жиноятлар учун жавобгарлик уни ишлаб чиққан дастурчилар, уни қўллаётган операторлар ёки унинг фаолиятини назорат қилувчи шахсларга юкланади. Бунда сунъий интеллект воситаси инсон иродасини амалга ошириш воситаси сифатида баҳоланади.

Ҳуқуқшунос олим G.Hallevy ушбу моделни “perpetration-by-another” модели сифатида таърифлайди. Унинг фикрича, “агар шахс сунъий интеллект тизимидан жиноят содир этиш воситаси сифатида фойдаланган бўлса, у ҳолда жиноий жавобгарлик айнан шу шахс зиммасига юкланиши лозим. Бу ҳолат анъанавий жиноят ҳуқуқидаги воситачи орқали жиноят содир этиш институтига ўхшаш ҳисобланади” [1]. Фикримизча, G. Hallevy томонидан илгари сурилган ушбу моделни албатта афзаллик томони бўлгани каби муркааб жиҳатлари ҳам бор. Масалан, афзаллик жиҳати шундаки, у мавжуд жиноят ҳуқуқи институтларини тубдан ўзгартиришни талаб қилмайди. Шу билан бирга унинг камчилик томони шундаки, сунъий интеллект тизимлари юқори даражада автоном қарор қабул қилган ҳолатларда жавобгарликни аниқ шахсга юклаш мураккаблашади.

2. Ишлаб чиқарувчи ва операторнинг жавобгарлиги модели.

Сунъий интеллект билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарликни белгилашнинг иккинчи модели ишлаб чиқарувчи ёки операторнинг жавобгарлиги назарияси ҳисобланади. Ушбу ёндашувга кўра, сунъий интеллект тизимидаги хато ёки алгоритм нуқсони натижасида содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик уни ишлаб чиққан компания ёки уни эксплуатация қилаётган ташкилот зиммасига юкланади.

Бу модел, айниқса, автоном транспорт воситалари, роботлар ёки молиявий алгоритмлар билан боғлиқ ҳолатларда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, автоном автомобил йўл-транспорт ҳодисасини келтириб чиқарган тақдирда, жавобгарликни кимга юклаш масаласи – ишлаб чиқарувчи компаниягами, дастурий таъминот ишлаб чиқувчисига ёки транспорт воситаси эгасига – ҳуқуқий жиҳатдан мураккаб ҳисобланади.

Айрим олимлар ушбу моделни маҳсулот жавобгарлиги (product liability) концепциясига асосланган деб ҳисоблайдилар. Бу ёндашувга кўра, агар сунъий интеллект тизимидаги нуқсон инсонларга зарар етказган бўлса, уни ишлаб чиққан ёки бозорга чиқарган субъект жавобгар бўлиши мумкин.

U. Pagallo ўз тадқиқотларида, “сунъий интеллект тизимлари учун жавобгарликни белгилашда ишлаб чиқарувчи ва операторларнинг масъулиятини аниқ ҳуқуқий механизмлар орқали тартибга солиш зарурлигини бу рақамли иқтисодиёт шароитида технологик хавфларни самарали бошқариш имконини беради” [2] деб таъкидлайди.

3. Сунъий интеллектнинг мустақил жавобгарлиги модели.

Сунъий интеллект билан боғлиқ жиноий жавобгарлик масаласидаги энг баҳсли назариялардан бири – сунъий интеллектнинг мустақил жавобгарлиги модели ҳисобланади. Ушбу концепцияга кўра, юқори даражада автоном қарор қабул қилиш қобилиятига эга бўлган сунъий интеллект тизимларини муайян шартлар асосида мустақил ҳуқуқ субъекти сифатида тан олиш мумкин.

Айрим тадқиқотчилар сунъий интеллект тизимларини “электрон шахс” (electronic personhood) сифатида тан олиш ғоясини илгари сурмоқдалар. Масалан, A.N. Sergionинг фикрича, “агар сунъий интеллект тизими мустақил қарор қабул қилиш, маълумотларни таҳлил қилиш ва мустақил ҳаракат қилиш қобилиятига эга бўлса, у ҳолда унинг ҳаракатлари учун муайян ҳуқуқий жавобгарлик механизмини жорий этиш мумкин” [3].Бундай ёндашув айниқса робототехника ва автоном тизимлар юқори даражада ривожланган келажакда долзарб бўлиши мумкин. Бироқ

ушбу назария ҳозирги кунда ҳуқуқшунос олимлар ўртасида жиддий баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Чунки сунъий интеллект тизимлари инсонга хос бўлган онг, ирода ва маънавий масъулият каби хусусиятларга эга эмас. Шу сабабли кўплаб олимлар сунъий интеллектни тўлиқ ҳуқуқ субъекти сифатида тан олиш ҳозирча эрта эканлигини таъкидлайдилар. Бироқ технологик тараққиётнинг келгуси босқичларида мазкур концепция янада долзарб аҳамият касб этиши мумкин.

Шу ўринда мулоҳазага чорловчи яна бир масала юзага чиқади яъни, жиноят қонунчилиги назариясига кўра,жиноят содир этилган ҳолатда субъектга нисбатан жазо чораларини қўллаш лозим бўлиб, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, жиноят содир этган шахсга нисбатан жазо тайинлашдан кўзланган асосий мақсад, уни қайта тарбиялашдир. Бунда таъсир чораси сифатида уни жамиятдан уни жамиятдан ажратган ҳолда ёки маълум бир чеклаш ёки масъулиятни юклаш орқали таъсир ўтказиш ёхуд молиявий санкциялар қўллаш билан амалга оширилади. Лекин, сунъий интеллект жавобгарликни субъекти сифатида эътироф этилганда жазо тайинлашдан кўзланган ушбу мақсадларга эришиш мумкинми? Албатта йўқ. Чунки жазо тайинлашдан кўзланган мақсадга эришишдаги таъсир чораларини ҳис этиш туйғуси сунъий интеллектда мавжуд эмас, молиявий эҳтиёж ва жавобгарлик ҳисси мавжуд эмас. Бу эса ўз-ўзидан сунъий интеллектни субъект сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатади.

Сунъий интеллектнинг шиддат билан ривожланиши яқин келажакда ҳуқуқ назариясини тубдан қайта кўриб чиқиш заруриятини келтириб чиқаради, чунки СИ ўзининг интеллектуал қобилиятлари билан инсон даражасига яқинлашгани сари, ҳуқуқий муносабатлар доирасида унинг ўрни ҳақидаги саволлар долзарблашиб боради [4].

Сунъий интеллект жавобгарлигининг асосий муаммоси унинг бир маромли бўлмаган табиатидир. Мураккаб СИ тизимларида қарор қабул қилиш жараёни шунчалик кўп ўзгарувчилар ва алгоритмларни ўз ичига оладики, ҳатто уни яратган дастурчилар ҳам баъзан СИ нима учун айнан шу қарорни қабул қилганини тушунтира олмайдилар. Бу эса, зарар етказилган тақдирда, айбдорни аниқлашни мураккаблаштиради [5].

Мустақил қарор қабул қилиш қобилиятига эга сунъий интеллект тизимлари кўпайиб бораётган бир пайтда, уларга юридик шахс мақомини бериш таклифи илгари сурилмоқда. Европа Парламенти 2017 йилда роботларга “электрон шахс” мақомини бериш тўғрисидаги таклифни кўриб чиққан бўлса-да, бу таклиф кенг қўллаб-қувватланмади [6]. Шу ўринда айтиш жоизки, ушбу таклифни қўллаб қувватланмаганлиги, сунъий интеллектга ҳуқуқий жиҳатдан субъект мақомини бериш учун зарурий белги бўлган ва субъектив томонни ифодалашга хизмат қиладиган англаш қобилиятининг мавжуд эмаслиги сабаб бўлган дейишимиз мумкин. Зеро, ҳуқуқий жавобгарликни асосий белгиси бу ўз ҳатти-ҳаракатини англаш орқали мотив ва мақсаднинг мавжудлигидир.

Хусусан, бу борада бир қатор ҳуқуқшунос олимлар қуйидаги фикрларни билдириб ўтишган: Ҳаракат қонуний жиҳатдан жиноят деб ҳисобланиши учун иккита асосий элемент бўлиши керак: Aktus Reus (ноқонуний ҳаракат) ва Mens Rea

(айбли ният) [7]. Бу икки элемент бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлиши керак. Жиноий жавобгарликнинг ушбу асосий принципи лотинча “Aktus non facit reum nisi mens sit rea” иборасида ўз ифодасини топган, яъни қасд ёки мақсад юридик жиҳатдан айбли бўлмаса, содир этилган қилмишнинг ўзи одамни айбдор қилиб қўймайди [8]. Mens Rea va Aktus Reus анъанавий жиноятларнинг энг муҳим икки тушунчаларидир. “Шахсларнинг қонун билан таъқиқланган хатти-ҳаракатларининг оқибати” Aktus Reus сифатида таърифланади. Ғайриҳуқуқий ҳаракат жиноят деб топилиши учун ҳаракат ёки ҳаракатсизлик мавжуд бўлиши керак. Айнан шу ҳаракат ёки ҳаракатсизлик Aktus Reus берадиган тушунчадир. Aktus Reus қонун билан тақиқланган ҳуқуққа хилоф ҳаракатни ифодалайди [9]. У жиноятнинг ташқи элементи деб ҳам аталади [10]. Бу очиқ ҳаракат ёки инсон хатти-ҳаракатларининг жисмоний натижасидир [11]. Бундай ноқонуний ҳаракат ихтиёрий равишда содир этилиши керак [12]. Mens Rea эса “айбли қасд”ни назарда тутади [13].

Сунъий интеллектга нисбатан ҳуқуқий жавобгарлик белгилаш борасидаги назариялар бўйича аниқ ҳуқуқий таҳлил ўтказсак. Яъни сунъий интеллект томонидан қабул қилинган қарор натижасида жиноят содир этилган деб ҳисоблайлик. Жиноят ҳуқуқи назариясига мувофиқ, жиноят таркиби тўрт асосий элементдан – жиноят объекти, объектив томон, субъект ва субъектив томондан иборат ҳисобланади.

Биринчидан, бундай ҳолатларда жиноятнинг объекти, яъни жиноят натижасида зарар етказиладиган ижтимоий муносабатлар мавжуд бўлади. Масалан, сунъий интеллект тизими қабул қилган қарор натижасида инсоннинг ҳаёти, соғлиғи, мулки ёки ахборот хавфсизлигига зарар етказилиши эҳтимолдан холи эмас. Демак, жиноят объекти сифатида қонун билан муҳофаза қилинадиган муайян ижтимоий муносабатлар мавжуд бўлиши мумкин.

Иккинчидан, жиноятнинг объектив томони ҳам муайян даражада намоён бўлиши мумкин. Бу ҳолатда объектив томон сунъий интеллект қабул қилган қарорнинг амалга оширилиши жараёни, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик шакли, шунингдек унинг амалга ошириш усули ва келиб чиққан оқибатлар орқали ифодаланади. Масалан, автоном тизим томонидан қабул қилинган нотўғри алгоритмик қарор муайян зарарли натижаларга олиб келиши мумкин.

Бироқ жиноят таркибининг энг муҳим элементларидан бири ҳисобланган субъект ва субъектив томон масаласида жиддий ҳуқуқий муаммолар юзага келади. Жиноят ҳуқуқи назариясига кўра, жиноят субъекти фақатгина муайян ёшга етган ва ақли расо бўлган жисмоний шахс ҳисобланади. Сунъий интеллект тизимлари эса техник-дастурий восита бўлиб, улар мустақил ҳуқуқий иродага ёки руҳий ҳолатга эга эмас. Шу сабабли уларни анъанавий маънода жиноят субъекти сифатида баҳолаш мумкин эмас.

Айниқса, жиноят таркибининг субъектив томони нуқтаи назаридан сунъий интеллект фаолиятини баҳолаш янада мураккаб ҳисобланади. Маълумки, субъектив томон жиноят содир этувчи шахснинг қилмишга нисбатан ички руҳий муносабатини ифода этади ва у, одатда, қасд ёки эҳтиётсизлик шаклида намоён бўлади. Сунъий интеллект тизимларида эса бундай руҳий муносабат мавжуд эмас, чунки улар қарорларни онгли ирода асосида эмас, балки дастурий алгоритмлар ва маълумотлар таҳлили натижасида қабул қилади. Демак, сунъий интеллект томонидан қабул қилинган қарорларда қасднинг бирор шакли ёки эҳтиётсизликнинг ҳуқуқий мазмунидаги турлари кузатилмайди.

Шу боис, сунъий интеллект фаолияти натижасида зарарли оқибатлар юзага келган ҳолатларда ҳаракат ва унинг ортидаги иродавий муносабат ўртасида ҳуқуқий жиҳатдан муҳим бўлган боғлиқлик мавжуд эмас. Бу эса анъанавий жиноят таркиби тўлиқ мавжуд эмаслигини кўрсатади. Натижада бундай ҳолатларда жиноий жавобгарликни бевосита сунъий интеллект тизимининг ўзига юклаш назарий ва амалий жиҳатдан асосланмаган ҳисобланади. Амалда эса жавобгарлик масаласи, одатда, мазкур тизимни яратган, ишлаб чиққан ёки ундан фойдаланган инсонларнинг ҳаракатлари билан боғлиқ ҳолда ҳал қилиниши мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, сунъий интеллект технологиялари сўнгги йилларда жадал суръатларда ривожланаётганига қарамасдан, уларни мустақил ҳуқуқ субъекти сифатида тан олиш масаласи ҳуқуқшуносликда ҳали ҳам баҳсли масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Айрим тадқиқотчилар сунъий интеллект тизимларининг автоном қарор қабул қилиш қобилиятини инобатга олган ҳолда уларга алоҳида ҳуқуқий мақом бериш ғоясини илгари сурмоқдалар. Бироқ сунъий интеллектни ҳуқуқ субъекти сифатида эътироф этиш учун зарур бўлган асосий белгилари яъни, онг, ирода ва ўзликни англаш қобилиятининг мавжуд эмаслиги бу каби фикрларни қўллаб-қувватланмаслигининг асосий сабаби бўлиб қолмоқда. Чунки, ҳуқуқ назариясида субъект тушунчаси фақатгина муайян ҳаракатларни амалга ошириш имконияти билан эмас, балки уларнинг мазмунини англаш, оқибатларини баҳолаш ва мустақил иродавий қарор қабул қилиш қобилияти билан ҳам боғлиқ ҳолда талқин қилинади. Сунъий интеллект тизимлари эса, амалда, инсон томонидан яратилган алгоритмлар ва маълумотлар базаси асосида ишлайдиган техник-дастурий восита бўлиб, уларнинг фаолияти олдиндан белгиланган моделлар ва ҳисоблаш жараёнлари доирасида амалга оширилади. Шу сабабли бундай тизимлар мустақил ҳуқуқий онгга ёки субъектив иродага эга деб баҳоланмайди. Мазкур ҳолат сунъий интеллектга мустақил ҳуқуқ субъекти мақомини бериш ғоясига эҳтиёткорлик билан ёндашиш зарурлигини кўрсатади. Чунки ҳуқуқий жавобгарлик институти, аввало, ҳаракатнинг ижтимоий хавфлилигини англаш ва унинг оқибатлари учун масъулиятни қабул қилиш қобилиятига асосланади. Сунъий интеллект тизимларида эса бундай онгли англаш ва иродавий муносабат мавжуд эмас. Шу боис, ҳозирги ривожланиш босқичида сунъий интеллект фаолияти натижасида юзага келадиган ҳуқуқий оқибатлар учун жавобгарликни, одатда, уни яратган, ишлаб чиққан ёки ундан фойдаланаётган инсонлар зиммасига юклаш нуқтаи назардан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шу нуқтаи назардан, сунъий интеллектга тўлиқ ҳуқуқ субъекти мақомини бериш масаласи технологияларнинг янада такомиллашиши ва уларда ҳақиқий когнитив қобилиятлар шаклланиши билан боғлиқ ҳолда келажакда қайта кўриб чиқилиши мумкин. Аммо ҳозирги шароитда бундай тизимлар инсон фаолиятининг воситаси сифатида қаралиши ва улар билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар мавжуд ҳуқуқий институтлар доирасида тартибга солиниши мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Hallevy G. When Robots Kill: Artificial Intelligence under Criminal Law. Northeastern University Press, 2013.
2. Pagallo U. The Laws of Robots: Crimes, Contracts and Torts. Springer, 2013.
3. A.N.Sergio Robot as Legal Person: Electronic Personhood in Robotics and Artificial Intelligence. Frontiers in Robotics and AI, 2021.
4. Michael Hallisey, “Legal Implications of Autonomous AI Systems,” International Journal of AI Law 8, no. 3 (2020): 128-143.
5. Ф.М.Вохидов “Сунъий интеллект ва ҳуқуқий жавобгарлик”. Мақола. International journal of Scientific researchers. Volume 11, issue 1, April 2025.
6. Mady Delvaux, “Robotics and Artificial Intelligence: Report with Recommendations to the Commission on Civil Law Rules on Robotics,” European Parliament Committee on Legal Affairs (2017), ED 15-28/2-2017.
7. Catherine Elliot & Frances Quinn, Criminal Law (9 ed. 2012), https:// www.pearson.com/uk/educators/higher-education-educators/program/Elliott-Criminal-Law- 9th -Edition/PGM1025870.html.
8. Vibhute, Psa Pillai’s Criminal Law (12th Ed. 2015) supra note 9, Https://Lexisnexis.In/P-S-A-Pillai-Criminal-Law.
9. Iryna Marchuk, The Fundamental Concept of Crime in International Criminal Law (1st ed. 2014), http://link.springer.com/10.1007/978-3-642-28246-1
10. Mike Molan, Denis Lanser & Duncan Bloy, Principles Of Criminal Law (4th Ed. 2000), https://Www.Worldcat.Org/Title/BloyParrys-Principles-Of-Criminal-Law-Principles- Of-Criminal-Law/Oclc/437154677.
11. Gerhard O W Mueller, On Common Law Mens Rea, 42 MINN. LAW REV. 1958. – p 1043–1104 https://scholarship.law.umn.edu/mlr/1384.
12. R.C. Nigam, “Law of Crimes in India”, Principals of criminal Law, Vol 1, Asia Publishing House, 1965. – p 6.